



01.01.2022 даги

Ўзбекистон Республикаси МГҚББ Сирдарё вилоят қўриқлаш бошқармаси ва Жиззах бош насос станцияси  
бошқармаси ўртасида 193747110,00 сўм умумий суммага тузилган 54 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 170  
Шахсий газна ҳисобварақ 100010860082207042402170003

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4293000			
Январь				
Февраль	129 164 740,00			129 164 740,00
Март	64 582 370,00			64 582 370,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>193 747 110,00</b>			<b>193 747 110,00</b>

Жами 193747110,00 сўм

Бир юз тўқсон уч миллион етти юз қирқ етти минг бир юз ўн сўм  
00 тийин  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_\_% \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў

(имзо)

Кулатов Анорбой Қаршибоевич  
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Имамов Жаҳонгир Холдарович  
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан  
жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича

**ШАРТНОМА**

Гулистон ш.

54-сон

2022 йил “01” январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси Сирдарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи А.Б.Хўжамуродов (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан Жиззах Бош Насос Станцияси бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи А.Қ.Кулатов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида тuzдилар:

**I БОБ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1. **Ижрочи** Миллий гвардия қўриқлаш хизмати соқчилик қўриқлаши кўринишида **Буюртмачининг** мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, **Буюртмачи** эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II БОБ. УМУМИЙ ШАРТЛАР**

2. **Буюртмачи** Сирдарё вилояти Ховос тумани худудида жойлашган Жиззах бош насос станцияси бошқармасига қарашли Жиззах бош насос станцияси асосий кириш эшигининг кўриғини ташкил этиш учун ҳафтада дам олиш кунисиз 1 та 24 соатлик (соат 09:00 дан 09:00 гача) Миллий гвардия қўриқлаш хизмати **саф бўлинмаси** пости орқали қўриқлашга (кейинги ўринларда “объект” деб юритилади) “Ижрочи”га топширади, “Ижрочи” эса қабул қилади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими **Буюртмачи** томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномага мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш **Буюртмачи** томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари **Ижрочининг** айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнгиндан қўриқлаш ва ташвиш сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда **Буюртмачи** билан келишилган ҳолда хизмат итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда **30 иш куни** ичида Миллий гвардия хизмати қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда **Ижрочи** қўйилмайди, қўйилган **Ижрочи** эса чакириб олинади.

**III БОБ. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида кўриқлаш хизмати 1 ойга **64582370** (олтмиш тўрт миллион беш юз саксон икки минг уч юз етмиш ) сўм, 3 ойга **193747110** (бир юз тўқсон уч миллион етти юз қирк етти минг бир юз ўн) сўм;

10. **Ижрочи** хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 01 июлдаги “Ўта муҳим ва тоифаланган объектлар қўриғини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорининг 2-иловасига мувофиқ **Буюртмачи Ижрочи**га ойлик тўловни 100% олдиндан ҳар ойнинг 5 санасигача ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган **Буюртмачи** мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, **Ижрочи Буюртмачига** акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

13. Кўриқлаш хизматлари учун пул тўлашга **Буюртмачининг** маблағи бўлмаган ҳолда, юқори ташкилотларнинг марказлашган пул маблағлари ҳисобидан қарздорлик бартараф этилади.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда **Ижрочи Буюртмачи** билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

#### IV БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Ижрочидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;
- б) хизмат кўрсатиш жараёнида **Ижрочининг** ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини **Ижрочидан** талаб қилиш;
- в) **Ижрочининг** хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;
- г) **Ижрочи** томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;
- д) **Ижрочи** томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

##### 14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- а) мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган объектнинг техник мустаҳкамлигини кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш усқуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;
- б) ҳар қандай моддий қимматликларни объект худудининг девор тўсиғидан 5 метр узокликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;
- в) **Ижрочи** билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш қўриғини ўтказиш,

аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, **Ижрочини** бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

г) белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

д) бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида **Ижрочини** бундай ишларнинг бошланишидан камида 7 кун олдин огоҳлантириш;

е) объектда иш куни якунида кўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда **Ижрочини** огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

ж) объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

з) кўриқланаётган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортиментни, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда **Ижрочи** ва **Буюртмачи** вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

и) махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

к) кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан **Ижрочини** хабардор қилиш ва объектга **Ижрочи** вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

л) бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошқор қилмаслик;

м) **Ижрочи** вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

#### 15. **Ижрочининг ҳуқуқлари:**

а) **Буюртмачидан** объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

б) объектнинг техник мустаҳкамлигини кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича **Буюртмачига** тавсиялар бериш.

#### 16. **Ижрочининг мажбуриятлари:**

а) объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

б) мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

в) кўрикланаётган худуддаги бинодан ташкарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда **Ижрочи** ва **Буюртмачи** вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

г) объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

д) пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

е) объектни кўриклаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

ж) объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриклаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

з) объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан **Буюртмачининг** вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

и) ёнғиндан кўриклаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун **Буюртмачи** вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

к) **Ижрочининг** ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриклаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

л) объектни кўриклашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриклашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида **Буюртмачини** хабардор қилиш;

м) **Буюртмачи** билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриклашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриклаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, **Буюртмачи** томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда **Ижрочини** бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

н) **Ижрочи** томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича **Ижрочи** ва **Буюртмачининг** вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини **Ижрочининг** раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

о) кўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчи қисмига ва **Буюртмачига** зудлик билан хабар бериш, ички ишлар органи вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

## V БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг **Буюртмачи** томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги ҳолатида **Буюртмачи** **Ижрочига** ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг миқдори кечиктирилган тўловнинг 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

18. **Ижрочининг** ходими постда турмаганлиги учун **Ижрочи** **Буюртмачига** бир кунлик кўриклаш хизмати нархининг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

19. **Ижрочи** мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида **Буюртмачига** етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

20. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка тўлаш ҳамда зарарни коплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## VI БОБ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

21. Мазкур Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилишда вужудга келадиган низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## VII-БОБ. ФОРС-МАЖОР

22. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

23. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер кимираши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

24. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

## VIII БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

25. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга қиради.

26. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда **Буюртмачи** ва **Ижрочининг** вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

27. **Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:**

ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича - Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

**Буюртмачи** ҳўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида **Ижрочига** Шартнома муддати тугашидан **60 кун** олдин маълум қилади.

28. **Буюртмачи** алоҳида объектларни кўриклашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига 60 кун** олдин ёзма равишда маълум қилади.

29. Агар техник қўриқлаш воситалари **Буюртмачининг** айби билан ишдан чиккан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб килса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, **Ижрочи** Буюртмачига 7 (етти) кун олдин ёзма маълум килган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

30. Объектнинг хусусиятидан келиб чикиб Томонлар мазкур Шартномага конун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

## IX-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### “Ижрочи”

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
Гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси  
Сирдарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси

Юридик манзили: Гулистон шаҳри  
Бирлашган кўчаси 47-уй  
х/р: 21596000900193586001

Банк реквизитлари: Марказий банк  
Гулистон шаҳар ХККМ

МФО: 00023

СТИР: 200327883

ОКЭД: 80200



Бошлик  
МУХР

А.Б.Хўжамуротов

### “Буюртмачи”

Жиззах Бош Насос Станцияси  
бошқармаси

Юридик манзили: Ховос тумани  
ШХР: 100010860082207042402170003  
ИНН: 302580489

Банк реквизитлари: МБББ ХККМ  
Тошкент ш

х/р: 23402000300100001010

МФО: 00014, ИНН: 201122919


ОКЭД: 22100



Бошлик  
МУХР

А.К.Кулатов

Қўриқлаш бошқармаси Юридик гуруҳи  
бош юрисконсулти подполковник



А.Т.Абдушуқуров

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриклаш бош бошқармаси Сирдарё вилояти Кўриклаш бошқармаси бошлиги Аб.Локонин

А.Б.Хусамуротов

“ ”

2022 йил

“РОЗИМАН”

Жиззах Бош Насос Станцияси бошқармаси бошлиги

А.К.Кулатов

2022 йил



Жиззах бош насос станцияси бошқармасига қарашли Жиззах бош насос станцияси бошқармаси бошқармаси бошлиги А.К.Кулатов томонидан Кўриклаш бўлими томонидан Кўриклаш бўйича Янгйер шаҳарлараро Кўриклаш бўлими томонидан Кўриклаш бўйича

**2022 йил 01 январдан ҳисоб-сметаси**

№	Объект номи	Объект манзили	Кўриклаш тури	Иш вақти	Кўриклаш соати				Кўриклаш кунлари	Кўриклаш соати	Кўриклаш нархи		
					Хафтада 5 иш кунни душанба-жума	Дам олиш шанба кунни	Дам олиш шанба яқшанба кунни	Кўриклаш соати			1 соатга (сўмда)	3 ойга (сўмда)	ўртача 1 ойга (сўмда)
1	Жиззах бош насос станцияси бошқармасига қарашли Жиззах бош	Ховос тумани	Саф бўлимаси	09-00дан 09-00гача	24 соат	24 соат	24 соат	24 соат	01.01.2022 дан 31.03.2022 гача	2190	88469	193 747 110	64 582 370
	Жиззах бош	Жами:								2190		193747110	64 582 370

1 ойлик тўлов суммаси: - 64582370 (олтмиш тўрт миллион беш юз саксон икки миң уч юз етмиш) сўм

3 ойлик тўлов суммаси: - 193747110 (бир юз тўқсон уч миллион етти юз қирқ етти миң бир юз ўн) сўм

Бошқарма МИБ бош ҳисобчиси  
лейтенант

Н.И.Мавлонов

Жиззах бош насос станцияси бошқармаси  
бош ҳисобчиси